

# Мўғул татар қиссаси

11- қисм

[ Ўзбекча – Uzbek – الأوزبكي ]

*АБУ АБДУЛЛОҲ аш-ШОШИЙ*

**Нашрга тайёрловчи: Шамсиддин Дарғомий**

2012 - 1433

IslamHouse.com

# ﴿ قصة التتار [ المغول ] ﴾

الحلقة الحادية عشر

« باللغة الأوزبكية »

أبو عبد الله الشاشي

مراجعة: شمس الدين درغامي

2012 - 1433

IslamHouse.com

## **Бисмиллаҳир роҳманир роҳим**

Барча мақтовлар Оллоҳга хосдир. Унга ҳамду сано ва истифғорлар айтамиз, Ундан ёрдам сўраймиз, нафсларимиз ҳамда ёмон амалларимиздан паноҳ тилаймиз. Оллоҳ ҳидоят қилган кимсани адаштирувчи, адаштирган кимсани ҳидоят қилувчи йўқдир. Мен шериксиз, ягона Оллоҳдан ўзга илоҳ йўқ ва Муҳаммад унинг бандаси ва элчисидир, деб гувоҳлик бераман.

### **Ўтган суҳбатимизда:**

- Ҳулағунинг Аббосийлар хилофатига жанг учун тайёргарлиги;
- Ҳулағу банд бўлган тўртта масала:
- Пойдеворни яхшилаш;
- Сиёсий ва дипломатик тайёргарлик, каби мавзуларни зикр қилган эдик.

### **Маънавий жанг**

Ҳулағу беш йил давомида банд бўлган тўртта масаладан:

**Учинчи масала:** Мусулмонларга қарши маънавий жанг. Ҳулағу хилофатга уруш очиш, Боғдодни ағдариш олдидан маънавий жангга киришди. У бу жангни бир

неча кўринишда олиб борди. Ироқнинг атрофидаги минтақаларда силлани қуритувчи террор хужумларини бошладики, бу билан мусулмонларга Чингизхон ва унинг ўғли Ўқтойхонлар замонидаги даҳшатли қирғинни эслатишни хоҳлади. Чунки улардан кейин бу минтақаларда ҳижрий 639-649 йиллар 10 йил мобайнида уруш-у, босқинлар юз бермаган эди.

Хулагу ҳижрий 650 йил/мелодий 1252 йилда Ироқнинг шимоли ва унинг атрофида, яъни Жазира, Суруж<sup>1</sup>, Роъсул-айн минтақаларига келиб, –мўғуллар одатига кўра– қирғин, қатл, вайрон, талон-тарож, кул қилишга тушди. Улар бу диёрларда бир неча 10 минглаб мусулмонларнинг ҳаётига зомин бўлишди<sup>2</sup>. Бу ҳам етмагандай, Ироқнинг иқтисодини синдириш мақсадида йўл тўсар қароқчиликка қўл уриб, тижорат карвонларини талон-тарож қилди. Мўғуллар Ҳаррон ва Роъсул-айн орасида кетаётган тижорат карвонини талаб, 600 минг динор ва Мисрда тайёрланган 600 туяга юкланган шакарни қўлга киритдилар<sup>3</sup>. Бу эса, Аббосийлар хилофати иқтисодига берилган қаттиқ зарба бўлиб, мусулмонлар руҳиятини заифлашишига сабаб бўлди.

---

<sup>1</sup> турк. Sığır

<sup>2</sup> Ибн Касир "ал-Бидаяту ван-Нихоя" (17/316)

<sup>3</sup> Ибн Касир "ал-Бидаяту ван-Нихоя" (17/316)

Мусулмонларга маънавий зарба беришда мўғулларнинг яна бир воситаси мусулмон адиб ва шоирларни ўзларига хизматкор қилиш эди. Улар Ислом диёрларида ўткир қалами ва бурро тиллари билан уруш ҳақида ёмон хабарларни тарқатишга бел боғлади. Улар ҳатто бирорта мусулмон мўғулларга қарши курашишни ҳаёлига келтирмасин дея бу хабарларда мўғуллар имкониятларининг чексизлиги муқобилида мусулмонларнинг заифликларини ёрита бошлади.

Мисол учун, китобларда зикр қилинган жумлалардан: "Мўғуллар инсонлар аҳволидан хабардор, инсонлар эса мўғулларни билмайди, мўғул аёллар эркаклар мисоли жанг қилади, мўғул отларининг емга ҳожати йўқ, зеро улар туёқлари билан ерни кавлаб ўсимликларнинг илдизи билан озикланади, мўғуллар ҳарбий мадад ва таъминотдан беҳожат, чунки улар ҳар қандай этни, ҳатто бани одамни-да ейдилар..."

Ўша асрларда мўғиллар (*бугунги кунимизда кўпчилигимиз унга алданиб келаётган*) ахборот воситасининг таъсир кучини яхши тушунган эди. Натижада барча инсонларга қўрқув солишга муяссар бўлди. Ҳатто мусулмон эркаклар мўғул аёллардан қўрқа бошлади. Ва лаа ҳавла ва лаа қуввата иллаа биллаҳ.

Мусулмонларнинг маънавиятига зарба беришда мўғуллар ишлатган яна бир восита, улар шоирларга

тахдидий мактубларни ёздирди ва шунга муносиб ҳозирлик ҳам кўрди. Улар бу мактубларни ёздиришда мусулмонлар орасида юрган мунофиқ шоирлардан фойдаланди, улар мўғул тилидаги мактубларни араб тилида маромига келтириб ёзиб беришди. Ушбу мактублар таъсири ўлароқ, мусулмонларнинг дилларига кўрқув ўрнашди.

Мусулмонларнинг руҳиятини тушишига олиб келган яна бир восита, мусулмон амирлар ва бошқаларнинг мўғуллар билан иттифоқ тузганлигини эълон қилиш эди. Жумладан, фақат мўғуллар билан эмас, уларнинг иттифоқчилари бўлмиш Арманистон, Гуржистон, Антиохия ва бошқаларнинг бирлашган қуввати билан уруш қилишига тўғри келишини эълон қилди. Бу ҳам мусулмонлар қалбига кўрқувни солиши турган гап эди. Буларнинг барчаси омма халқ олдида жар солинган эди. Омма халқ мусулмон амирларнинг мўғулларга сотилганини эшитганида, уларнинг дилларида кураш туйғуси тамоман барбод бўлди. Шу тариқа мўғуллар мусулмонлар маънавиятини синдириш имконига эга бўлган ва Боғдодга хотиржам бостириб кириш учун муносиб муҳит яратган эди.

### **Аббосийлар армиясининг кучсизланиши**

Ҳулагу беш йил давомида банд бўлган

**Тўртинчи масала:** Аббосийлар армиясини кучсизлантирилиши эди. Ҳулагу бузғунчи вазир Муаййиддин Алқамий аш-Шиъийга халифа Мустаъсим Биллаҳни армия сафини озайтириш, уларга сарфланаётган харажатни камайитириш, уларни шаҳар ободонлиги, деҳқончилик, саноат ишларида фойдаланиш таклифи билан аврашга буюрди<sup>4</sup>. Вазир халифага биз тинчлик тарафдоримиз, аскарлар жанг, жиҳод тадоригини четга суриб, деҳқончилик, қурилиш, чорва ишлари билан машғул бўлсин, деган манфур фикрни халифага уқтириши лозим эди. Фосиқ вазир халифага юқоридаги таклифларни билдирган эди, халифа ҳам бу фикрни қўллаб қувватлади.

Сўнгра Халифа армиянинг сони ва бюджетини озайтирди. Ҳатто Мустаъсим Биллаҳнинг отаси Мустансир Биллаҳ халифалигининг охриги кунлари ҳижрий 640/мелодий 1242 йил Аббосийлар хилофати армиясида 100 минг суворий бўлган бўлса, ҳижрий 654/мелодий 1256 йилга келиб, хилофат армиясида бор-йўғи 10 минг<sup>5</sup> (20 минг)<sup>6</sup> суворий қолган, бу ҳам етмагандай армия ўта ночор аҳволга тушган, ҳатто

---

<sup>4</sup> Доктор Абдуллоҳ Саъид Ғомидий "Жиҳадул-мамалик зид ал-мўғул вас-салибийийн" докторлик иши (52-бет)

<sup>5</sup> Ибн Касир "ал-Бидаяту ван-Ниҳоя" (17/360)

<sup>6</sup> Рошидудин "Жомиъут-таварих" (2-жилд, 1-қисм, 272-бет)

аскарлар ейишга бир бурда нон топмасдан, бозорларда тиланчилик қилишга мажбур бўлган эди<sup>7</sup>.

Хилофат армияси ҳарбий машқ ва тайёргарликни унитди ҳамда бутун бошли мунтазам армия нафақат қўмондонларсиз, ҳатто идора қилиш, тартибланиш ва бошқарувга лаёқатли кишиларсиз қолди. Мусулмонлар жанг ва аскарлик илмларидан бебаҳра бўлиш билан бир қаторда уларнинг зехнларидан жиҳод тушунчаси тамоман чиқиб улгурди.

Бу улкан хиёнат ва буюк жиноятдир. Ибн Касир – раҳимахуллоҳ– "ал-Бидаяту ван-Ниҳоя" китобида вазир Муаййиддин Алқамийни халифага берган бу насиҳати учун комил суратда маломат қилган<sup>8</sup>, лекин мен халифанинг ўзини маломат қиламан, дейди доктор Сиржоний. Бу шармандаликни қабул қилган ва хорликка рози бўлган халифа эди. Ҳоким сифатида халқнинг тинчлик омонлиги, юртни босқинчилардан ҳимоя қилиш, армияни жиҳозлаш ва қувватлаш, нафақат армия, балки омма халқни ҳам жиҳодни ардоқлаб, Оллоҳ йўлида ўлишни севишга тарғиб қилиш каби энг муҳим вожиблар, Ислом уммати халифасининг хаёл кўчасидан ўтмади ҳам. Халифа бу вожибларни бажармади, ҳолбуки, ҳукм чиқариш ва қарор қабул

---

<sup>7</sup> Ибн Касир "ал-Бидаяту ван-Ниҳоя" (17/357-358)

<sup>8</sup> Ибн Касир "ал-Бидаяту ван-Ниҳоя" (17/273, 358, 359)



қилиш унинг иши эди. Зотан, жиддий ва масъулиятли қарорларни руҳияти заиф кимсалар чиқара олмайди...

Юқорида санаб ўтилган ишлар, Хулагу ва Мангухоннинг тайёргарликлари бўлиб, ҳақиқатан, зўр таассуротга эга катта ҳозирлик бўлган эди.

Биз ҳақ диндаизми, демак нусрат биз томонда бўлиши муқаррар, деган хаёлларга берилиб қолганмиз. Ваҳоланки, нусратнинг қилиниши лозим бўлган сабаблари бор. Шунингдек, мағлубиятнинг ҳам сабаблари бор. Мағлубият сабабларнинг энг хатарлилари бўлиниш, тарқоқлик ва бир-бирига рақибликдир. Мағлубият сабабларининг бу кўринишлари –мўғуллар Боғдодга ҳужум қилишга киришаётган даврда– мусулмонларда мукамал суратда мавжуд эди.

### **Мўғул лашкарининг ҳужумга ҳозирланиши**

Тўлиқ 5 йилдан сўнг, ҳижрий 654/мелодий 1256 йил Хулагу Аббосийлар хилофатига хотиржам ҳужум қилиш мумкинлигини ҳис қилиб, жуда катта мўғул лашкарини Боғдод сари сафарбар қилишга киришди. Бир сўз билан айтганда, Мўғул империяси ташкил топгандан ўша кунгача мўғуллар ҳам бунча катта кўшинни кўрмаган эди. Ироқнинг шимоли, шарқи ва жанубидаги ҳамда Мўғулистон билан Ироқ орасидаги йўллар ҳимояси, қурол-яроқ ва озиқ-овқат ташиш вазифаси юкланган

аскарлар, шунингдек, атрофдаги шаҳарларга юборилган кўшимча армиядан ташқари, биргина Боғдодни камал қилиш вазифасидаги кўшин сони 200 мингдан зиёдрок эди<sup>9</sup>.

Мўғул кўшини таркибини ўн нуқтада баён қиламиз:

**Биринчи нуқта:** Асосий мўғул армияси узок вақтлардан бери Форс, Азарбайжон ва Ироқнинг шарқий минтақаларида жойлашган эди.

**Иккинчи нуқта:** Хулагу Россия ерларини ишғол қилган, Волга дарёси бўйини ўзларига қароргоҳ тутган, кўмондонлари машҳур саркарда Хулагунинг акаси Ботухоннинг уч ўғли бўлган катта мўғул кўшинини чақирган эди.

**Учинчи нуқта:** Хулагу яна Европанинг шарқий қисмларини эгаллаган, ўша вақтлар Туркиянинг шимоли Анадол минтақаси атрофини ўзларига марказ қилиб олган мўғул лашқарини ҳам келишини талаб қилди. Хулагунинг талаби билан буюк мўғул кўмондонлари Шўрмағон ва Байжу бошлиқ мўғул кўшини Боғдод сари йўл олди<sup>10</sup>.

---

<sup>9</sup> Маҳмуд Шокир "ат-Тарихул Исламий" (6-жилд, Аббосийлар давлати, 2-қисм, 338-бет)

<sup>10</sup> Рошидудин "Жомиъут-таварих" (2-жилд, 1-қисм, 281-бет)

**Тўртинчи нуқта:** Хулагу "дўсти" бўлмиш Арманистон подшосига элчи жўнатди, подшо Хайсумнинг (рус. Хетум) шахсан ўзи арман лашкарини олиб Хулағунинг сафига кўшилди.

**Бешинчи нуқта:** Гурж мамлакати подшоси ҳам бу ишга жалб қилинган заҳоти лаббай деб, Боғдодни камал қилишга келган эди.

**Олтинчи нуқта:** Хулагу камондан оловли ўқ отиш билан шуҳрат қозонган 1000та моҳир Хитой мерганларини чақиртирди.

**Еттинчи нуқта:** Хулагу мўғул лашкарига ўша вақтдаги энг уддбурон моҳир саркардани бошлиқ қилиб тайинлади. Унинг исми Кит-Буга-нойон бўлиб, у ўта моҳир кўмондон бўлиши билан бирга насроний ҳам эди. Хулагу атай уни шу ўринга танлаган эди, чунки у насроний бўлгани учун катта сондаги насроний иттифоқчилар Арман, Гурж ва Антиохияликлар билан осон тил топиша олар эди. Мўғул-татарлар учта: Хулагу, Кит-Буга-нойон ва Байжу кўмондонлиги қаноти остида бирлашди.

**Саккизинчи нуқта:** Хулагу Антиохия амири Бухмандни (рус. Боэмунд VI) Шомга уруш очишдан тўхтатиб, Боғдод ишғолига чорлаб элчи юборди.

Холбуки, у бутун кучини йиғиб, Шомга уруш очишга тайёр турган эди. Хулагу Боғдодни забт этгандан сўнг, Шомга у билан баробар урушга киришга ваъда берди.

**Тўққизинчи нуқта:** Мўғул қўшини таркибида мусулмонлар бўлаги ҳам бўлиб, уларнинг қўмондони Дамашқ волийсининг ўғли, Салоҳиддин Айюбий – раҳимахуллоҳ–нинг невараси Азиз ибн Носир Юсуф Айюбий эди. Улар ҳам Ироқни ағдаришда мўғулларга кўмак берадиган бўлди.

**Ўнинчи нуқта:** Бу Ислом бўлагидан ташқари, Боғдод ишғоли учун Мосулнинг амири Бадруддин Луълуб мусулмон армияни Хулагу хузурига йўллади<sup>11</sup>. Ҳатто Ироқликлар ҳам ҳақир дунё, мансаб, эътибор истаб ёхуд ҳаёт илинжида мўғуллар билан иттифоқчилик қилди. Мўғуллар сафидаги бу мусулмон армия ҳеч қандай қийматга эга эмасди, бироқ бунинг замирида мўғул қўшини сафида мусулмонлар иштирок этаяпти, деган катта катта маънолар бор эди.

## **Исмоилия тоифасининг қирғини**

Олий суратдаги тайёргарлик натижасида мўғул қўшини Хулагу режа қилгани каби қувватга эга бўлди. Улкан мўғул лашкари Форсдан Ироққа қараб бўрондек

---

<sup>11</sup> Ибн Касир "ал-Бидаяту ван-Ниҳоя" (17/356)

эса бошлади. Хулагу жанг учун кадамини олға босди. Шунда уни Боғдодга киришини тўсиб турган, тоғли ҳудуд Форсинг гарби, Ироқнинг шарқини ўзларига макон тутган шиаларнинг Исмоилия тоифаси унга рўбару келиб қолди. Бу тоифа аҳд ва бурчга бевафо, хилофат билан қаттиқ мурасаз, қудратлиларга тилёғламачи мунофиқ эканини Хулагу яхши билгани ҳолда, улар билан иттифоқ бўлишдан кўнгли тўлмаган эди. Чунки бу тоифа жанг қилиш ва мустаҳкам қўрғонлари билан шуҳрат қозонган ва мўғуллар сингари аҳдга бевафо, ўта хатарли, кутилмаганда мўғулларга ҳужум қилиб қолиши ҳам эҳтимолдан холи эмас эди. Шу боис, Хулагу гарчи вақти ва кучи кетса-да бу тоифа ишини ҳаллаб, шундан сўнг Боғдодга киришга қасд қилди.

Хулагу ҳижрий 653 йил зулҳижжа ойи/мелодий 1256 йил январ ойида катта лашкари билан Амударёни кесиб ўтиб, Балх шаҳри яқинидаги Шибарғон ўтлоқларига етиб келди ва у ердан Исмоилийларнинг қалъаларига йўналди. Саркарда Кит-Буга Хулагудан олдинлаб, Қохистон ерларига бориб, у ердаги бир неча Исмоилийларнинг қалъаларини ишғол қилди<sup>12</sup>. Сўнгра Хулагу бош лашкари билан қўрғонли Исмоилийлар қалъаларига етиб келди ва гоҳида куч билан, баъзида эса

---

<sup>12</sup> Рошидудин "Жомиъут-таварих" (2-жилд, 1-кисм, 240, 241, 243, 245-бет)

ҳийла билан уларни бирин-кетин ишғол қилиб, ҳижрий 654 йилнинг охирлари/мелодий 1257 йилнинг бошларида сўнги қалъа "ўлик қалъа"ни эгаллаш ила Исмоилия тоифасини ишини ҳал қилди. Исмоилийларнинг бошлиғи Рукнуддин Хуршоҳ Ҳулагуга бас кела олмади, Ҳулагунинг қаршисида ерни ўпган ҳолатда унга таслим бўлди. Шу тариқа мўғуллар адади юзларча бўлган Исмоилийлар қалъаларини тўлиқ ишғол қилишди<sup>13</sup>.

Доктор Роғиб Сиржоний маълум қилишича, катта мўғул қўшини тўғри Исмоилия тоифаси томон йўл олиб, уни ҳар тарафдан ўраб олади. Икки гуруҳ ўртасида аёвсиз, шиддатли жанг бошланиб, оқибатта Исмоилия тоифаси тўлиқ қиличдан ўтказилади ва минтақа тамоман тозаланади. Шу тариқа Боғдод сари йўл очилади. Бу уруш ҳижрий 655/мелодий 1257 йилнинг ичида содир бўлди.

Бу воқеаларга юзаки назар қилинса, "мусулмонлар муваҳҳид бўлса, намозни адо қилса, Оллоҳнинг китобини тиловат қилсалар-у, уларни қатли ом қилишга бел боғлаган, бундай даҳшатли кўринишда уларнинг ҳурматларини тўкишни ўзларига мақсад қилиб олган мўғул-татарларга Оллоҳ таоло нима учун изн берди?" – деган савол туғилиши табиий.

---

<sup>13</sup> Рошидудин "Жомиъут-таварих" (2-жилд, 1-қисм, 243-255-бет)

Мўғуллар ҳодисасига теран фикр билан назар қилинса, юқоридаги каби саволларга жавоб топилиши тайин. Агар мусулмонларнинг фақат муваҳхидликлари томонидан қаралса, бу ҳодиса буюк фожиа ва улкан мусибат бўлган эди. Бироқ, бошқа жиҳатдан улар жиҳод тадоригини кўрмаган ва нусрат сабабларини ушламаган эди. Шундай экан, нусратнинг рўёбга чиқиши амри маҳолдир.

Тарихга назар солсак, яҳудий, насроний, бутпараст, ҳиндус, атеист комунистлар моддий ва ҳарбий жиҳатдан бўлган сабабларни ушлаган, мусулмонлар эса бу сабабларни тарк қилганида, уларнинг мусулмонлар устидан ғолиб бўлганига гувоҳ бўлганмиз. Оллоҳ таолонинг қонунлари ўзгармайди ва алмаштирилмайди.

Сўнгра Ҳулагу катта маслаҳатчиларини тўплаб, мўғуллар тарихидаги энг муҳим ҳарбий мажлисни қурди. Бу қора ниятли мажлис Ҳамазон шаҳрида бўлган эди. Бу машваратда Ҳулагу маслаҳатчиси астраном олим Насируддин ат-Тусийнинг маслаҳатини олади, бу пойтахт Боғдодга лашкар тортиш ва Исломи хилофати томирини қўпариш фикри эди<sup>14</sup>. Бинобарин, Ҳулагу асоси бутпарастлик бўлган динга эътиқод қиларди, шунинг учун у бирор катта ишга қўл урса, мунажжимлар башорати ва фолларга қараб иш кўрарди.

---

<sup>14</sup> Ибн Касир "ал-Бидаяту ван-Нихоя" (17/358), Рошидудин "Жомиъут-таварих" (2-жилд, 1-қисм, 281-бет)

Бу йиғилишда Ҳусамуддин исмли мунажжим унга агар Аббосийлар хилофатига ҳужум қилса, 6 та катта мусибат рўй беришидан огоҳлантирди. Улар қуйидагилар эди:

1. Отларнинг барчаси нобут бўлиб, аскарларнинг касал бўлиши;
2. Куёшнинг чиқмаслиги;
3. Ердан ўсимликларнинг умуман чиқмаслиги;
4. Мутлақо ёмғир ёғмаслиги;
5. Совуқ шамол туриб, каттиқ зилзилалар бўлиши;
6. Ушбу йил буюк хон Мангухоннинг ўлиши;<sup>15</sup>

Аmmo Ҳусомуддин сунний мусулмон бўлгани учун Ҳулағунинг кўнгли унинг сўзига кўп ҳам тўлмади. Насируддин ат-Тусий "Илгари ҳам ҳалифалар қатл қилинган, бироқ ҳеч қандай ғайри оддий ҳодиса юз бермаган", деди, бу фикр Ҳулағуга маъқул келди ва Боғдод сари ҳужумга киришди<sup>16</sup>.

Ҳулағу қўшин ичидаги мусулмон аскарларнинг хиёнат қилишидан хавотир олиб, уларга кўз қулоқ бўлиб туришни назардан қочирмади. Шу сабаб Ҳулағу уларни кузатиб юрувчиларни тайин қилди. Ҳолбуки, Ҳулағу

---

<sup>15</sup> Доктор Саййод "ал-Мўғул фит-Тарих" (1-жилд, 259-бет), Рошидудин "Жомиъут-таварих" (2-жилд, 1-қисм, 279-бет).

<sup>16</sup> Доктор Саййод "ал-Мўғул фит-Тарих" (1-жилд, 259-бет), Рошидудин "Жомиъут-таварих" (2-жилд, 1-қисм, 279-280-бет).



сафига қўшилган мусулмон амирлар, унга хиёнат қилишни етти ухлаб тушида ҳам кўрмаган эди, десак муболаға бўлмайди.

Сўнгра, мўғул лашкари Ҳамазондан Ирокка қараб кўзгалди, орадаги масофа 450 км.ни ташкил қилар эди. Ҳулагу кўшинни уч қисмга тақсим қилди:

**Биринчи қисм:** Бу қисм кўшиннинг асоси бўлиб, унга Ҳулагунинг ўзи бошчилик қилди. Бу гуруҳ мўғул лашкарининг энг муҳим бўлаги ҳисобланиб, Россия фатҳидан қайтган мўғул армияси, Арманистон ва Гуржистон мамлакатларидан келган насроний кўшинларни ўз таркибига олган эди. Улар Форснинг ғарбидаги тоғли ҳудуддан ўтиб, тўғри Боғдодга отланди. Йўл асносида Карманшоҳ шаҳридаги Исмоилия тоифасини тамоман йўқ қилиб ўтди<sup>17</sup> ва Боғдодни шарқий томонидан қамал қилишга киришди.

**Иккинчи қисм:** Бу қисм мўғул кўшинининг чап қаноти бўлиб, унга мохир саркарда Кит-Буга-нойон кўмандон эди. Бу гуруҳ аввалги гуруҳга нисбатан жануб томондан Боғдодга йўл олди. Йўлларда мусулмон разведкачилар бўлиши мумкин, деган эҳтимол билан Ҳулагу бу гуруҳларни иккига айирди. Ваҳолангки, бундай катта кўшинни 450 км масофадан йўлларда

---

<sup>17</sup> Доктор Саййод "ал-Мўғул фит-Тарих" (1-жилд, 260-бет).

яширинча ҳолда олиб юриш мумкин эмаслиги турган гап бўлса-да, Ҳулагу эҳтиёт чорасини кўрган эди. Кит-Буга-нойоннинг кўшини Ироққа хамирдан қил суғургандай силлиқ кирди ва Боғдодни жануб томонидан қамал қилишга шошилди. Аббосийлар мўғул кўшини бостириб келаётганини фақат 50 км.дан озроқ масофа қолганидагина пайқади.

**Учинчи қисм:** Бу қисм Европанинг шарқий минтақаларини ишғол қилган, қўмандони машхур Байжу бўлган, Анадолнинг атрофидан Боғдод сари йўлга отланган мўғул армияси эди. Бу гуруҳ шимол томондан жанубга қараб юриб, Боғдодни шимол томонидан қамал қилиш учун етиб келди. Сўнгра бу гуруҳ Боғдодни ғарб томонидан ҳам қуршовга киришди<sup>18</sup>.

Хуллас, Боғдод шарқдан Ҳулагу, жанубдан Кит-Буга-нойон ҳамда шимол ва ғарбдан Байжу томонидан ўраб олинди<sup>19</sup>. Байжу бошлиқ учинчи гуруҳнинг Ҳулагу ва Кит-Бугалар билан бир вақтда Боғдодга етиб келиши, мусулмонларнинг шармандалиқ даражасини қай ҳолатга келганини белгилаб берувчи мезон эди, десак янглиш бўлмайди.

---

<sup>18</sup> Маҳмуд Шокир "ат-Тарихул Исламий" (6-жилд, Аббосийлар давлати, 2-қисм, 338-бет).

<sup>19</sup> Доктор Али Муҳаммад Саллабий "ал-Мўғул байнал-интишор вал-инқисор" (193-бет)

Чунки учинчи гурух мўғул кўшини Боғдодга етиб келиши учун 1000 км масофани босиб ўтиши лозим эди. Бу 1000 км масофанинг 500 км Туркия минтақаси, шунингдек, қолган 500 км Ироқ ерларига тўғри келарди. Яъни мўғул лашкари 1000 км масофани Ислом олами ичидан босиб ўтди. Бирок, унга бирорта мусулмон қарши чиқмагани етмагандай, 950 км масофа юриб, Боғдодга 50 км қолганидагина Аббосийлар бундан хабар топган эди!

Байжу Ислом ўлкаларини мусулмонларнинг иккита катта нуқсони ёки мусибати сабаб хотиржам кесиб ўтди:

**Биринчидан:** Аббосийлар армияси ҳарбий ва жанг олиб бориш малака ва билимларидан беҳабарлиги ҳамда бу майдонларда мусулмон разведкачиларининг атиги бўлса ҳам йўқлиги сабаб.

**Иккинчидан:** Очиқ хиёнат сабаб. Анадол ва Мосулнинг амирлари-ю, халқи мўғулларга барча дарвозаларни кўш қўллаб очиб бермаса, мўғуллар Боғдодга осонликча етиб бормаган бўлар эди. Анадолнинг амири Кай Ковус II ва Рукнуддин Қилич Арслон IV лар хиёнатни роса дўндирган эдилар. Мосулнинг амири Бадруддин Луълуънинг сотқинлиги бу иккисидан ҳам ошиб тушган эди. У мўғулларга ён босгани етмагандай, каналларни очиб берди ва мўғул кўшини Боғдод сари кетиши учун Дажла (рус. Тигрис)

дарёсига кўприк курди. Хулагу унинг ироклик эканини билса-да, хилофатни тўнтариш амалиётига уни ҳам жалб қилган эди. У камида 80 ёшда эди, баъзи ривоятларда 100 ёш бўлганлиги айтилган. Бадруддин Луълуъ ўзининг буюк хиёнатидан ва хилофат ағдарилгандан бир неча ой ўтар-ўтмас ўлди. Оллоҳ субҳанаҳу ва таолодан ёмон хотимадан паноҳ сўраймиз.

### **Мўғул босқини вақтида Боғдоднинг аҳволи**

Ўша замонда шаҳарлар орасида Боғдод шаҳри деворлар билан қўрғонланган энг мустаҳками эди. Зотан, у Ислом хилофатининг 5 асрдан буён пойтахти бўлиб келган шаҳар бўлиб, бу қўрғонлар шундай мустаҳкам ҳолига келгунича қанча-қанча ҳаражат ва меҳнатлар сингган ва бу ҳаражат-у меҳнатларга неча йиллар ёки асрлар кетган бўлса!? Наҳот бу шўринг қурғир қўрғонли шаҳар ҳам уни ҳимоя қиладиган риждолларга муҳтожлигини ақилли инсонлар англамаса!? Нима ҳам дердик! Ўша дамлар хилофатда ғурурли йигитлар нодирлаша борган эди.

### **Халифа Мустаъсим Биллаҳнинг аҳволи**

Ўша вақтда Аббосийлар хилофатининг бошида Аббос авлодларининг 37 чиси ва охригиси бўлган

Мустаъсим Биллаҳ ўтирар эди<sup>20</sup>. Номи улуғ, вазифаси унданда буюк эди бу халифанинг. Суютийнинг "Халифалар тарихи" ёки Ибн Касирнинг "ал-Бидаяту ван-Ниҳоя" га ўхшаш тарих китобларида халифа Мустаъсим Биллаҳнинг ҳаёт тарзи ҳақида келган саҳифалар ўқилса, ажабланарли нарсаларнинг гувоҳи бўласиз.

У кишининг шахсий ҳаётида фозил инсонлиги-ю, ўзи билан атрофидагилар орасини узиб қўйган Хоразмшоҳга хилоф ўлароқ, одамлар билан алоқаси яхши бўлганлигини топасиз. Лекин муаммо нимада эди? Келинг, Ибн Касирнинг у кишини қандай васфлаганига бир назар солайлик: "У фозил инсон бўлиб, гўзал кўринишли, виждонли, саҳиҳ ақидада эди. Адолат қилиш, очик қўллик, уламолар ва халққа икром борасида отаси Мустансир Биллаҳ изидан борган, салафларга эргашган сунний инсон эди"<sup>21</sup>.

Ибн Касир –раҳимахуллоҳ– салафларга эргашган сунний эди, деганида нимани қасд қилганини билмайман, дейди доктор Сиржоний. Наҳотки, салафи солиҳ мазҳабида Оллоҳ йўлидаги жиҳод-у, жиҳодга ҳозирлик кўриш йўқ бўлса!? Салафлар мазҳабида ер юзидаги шарт-шароитлар ва оламдаги қувватлар мувозанатини ўрганиш, мусулмонларни химоя қилиш

---

<sup>20</sup> Ибн Касир "ал-Бидаяту ван-Ниҳоя" (17/366)

<sup>21</sup> Ибн Касир "ал-Бидаяту ван-Ниҳоя" (17/365-366)

ҳамда уларнинг қасосини олиб бериш йўқми?! Салаф мазҳабида бирдамлик, қалбларнинг улфатлиги ва ўзаро ҳамкорлик наҳот бўлмаса?! Ваҳоланки, ўша вақтлар Ироқнинг ёнгинаси Форс, Азарбайжон, Афғонистон, Покистон ва бошқа Ислом диёрларида мусулмонларнинг қонлари-ю обрўлари тўкилиб, оёқ ости бўлган эди.

Маълумотларга таяниб айтамикки, тўғри, халифа Мустаъсим Биллаҳ ўзича яхши инсон эди, лекин мусулмон ҳоким безътибор бўлиши мумкин бўлмаган ишлар – бошқарув, мустақиллик ва душманлар устидан ғолиб бўлишга умид ва эътибор, ер юзига Оллоҳ таолонинг динини ёйиш, муносиб вақтда жангга кириш ва жанг қилиш қарорини белгиловчи шижоатга ҳафсаласизлик қилди. У сафларни ва қалбларни бирлаштириш, бўлинишнинг олдини олиш, ягона Ислом байроғини баланд кўтариш имконига эга бўлмади. Ҳатто ўзига содиқ кишиларни ҳам танлай олмаганидан мамлакат ўғри вазирлар, золим зобитлар ва ожиз аскарлар ҳамда ёмон маслаҳатчи-ю, ёрдамчиларга тўлиб кетди. Ҳамма томонни фосод босиб, давлат мулкани ўмариш, порахўрлик, таниш-билишчилик учига чиқди. Ўйин кулгу, фасод, ахлоқсизлигу, бузуклик кенг тарқалиш баробарида очикчасига баралла айтилиш даражасига етди. Бу ислом диёрида раққоса ва масхарабозлар халоқ олдида ўзларига ошқора равишда эълон қила оларди (яъни реклама қила оларди). Халифа намозхон, рўза тутувчи, закот берувчи, фақирлар ва

олимларга муҳаббатли, ширинсўз эди, бироқ, булар унинг ўз нафси олдидаги масъулияти эди. Жамият ва уммат олдидаги масъулияти қаерда қолди? Дарҳақиқат, у халқнинг масъулиятини кўтаришга тамоман ожизлик қилди. Халифа ўша пайтлар пиёда ва ўкчи аскарлардан ташқари 120 минг суворий ҳозирлашга қодир эди. Лекин халифа ич-ичдан мағлуб бўлганидан қарши туриш, деган кўтаринки руҳдан бебаҳра эди. У халқини жиҳод руҳида тарбия қилмади, уларга уруш ҳақидаги билимлар, сувда сузиш, камон отиш, чавондозлик кабиларни таълим бермади. Мўғул-татарлар замонида уммат ўғлонларини мўғулларга қарши курашга тайёрловчи ҳарбий лагерлар йўқ эди. Уммат жанг ва жидду-жаҳд ҳаётига маънан тайёр эмасди. Бинобарин, Мустаъсим Биллах 16 йил (15 йил 8 ойу бир неча кун)<sup>22</sup> халифа бўлган, бу муддат давлатни ислоҳ қилиш, жиҳодга тайёргарлик кўриш, Ислому давлатни ҳайбати ва шаънини юксалтириш, кўшин ҳозирлаш учун етарли вақт эди. Буларни уддасидан чиқа олмаслигига кўзи етган заҳоти, ҳеч бўлмаганда бунга қодир бўлган бошқа бирига ўрнини бўшатмоғи лозим эди. Ваҳоланки, бу оила ёки қабила масъулияти эмас, инсонлар учун чиқарилган энг яхши буюк уммат масъулияти эди. Аммо халифа уни ҳам, буни ҳам қилмади. Бу мўғуллар бостириб келган вақтдаги хилофат ва халифанинг аҳволи эди.

---

<sup>22</sup> Ибн Касир "ал-Бидаяту ван-Ниҳоя" (17/366)

*Валлоҳу таъала аълам.*

*Вассаламу алайкум ва роҳматуллоҳи ва барокатуҳ.*